

ШАРТНОМА № 1329

Наманган шаҳар

«18» январ 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи «DREAMS PHARMA» МЧЖ кейинчалик «Сотувчи» деб юритилувчи номидан раҳбар И.Кучкарбоев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Харидор» деб юритилувчи Фаргона вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази номидан раҳбари иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Сотувчи» мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармонларни етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 6950000 сум 00 тийин (Олти миллион туккиз юз эллик минг сум 00 тийин) ташкил этади.

2.2. «Харидор» етказиб берилган махсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % аванс тўловини олдиндан «Сотувчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 (ун) кун муддатда махсулотларни етказиб беради.

2.4. «Харидор» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 (туксон) кундан ортиқ бўлмаган муддатларда қолган 70%ини ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Пропофол (Профол) эмульсия для в/в введ.1% 20мл №5	Упаковка	50	139000	6950000,00
	Жами				6950000,00

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Сотувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган махсулотлар «Харидор»га транспортда ташилганда «Сотувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган махсулотга мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Сотувчи»дан талаб қилиш.

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2 «Сотувчи» қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш;

«Харидор»га махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ «Харидор» буюртманомасига мувофиқ муддатда, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган махсулотларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларнинг тегишли туркумларини етказиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулотларни етказиб беришда кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва махсулотларни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Махсулотларга ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» «Сотувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираш, сел келиш каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Сотувчи» томонидан тасдиқлаиб Наманган вилоят Фазначилик бошқармаси томонидан руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Сотувчи»

«DREAMS PHARMA» МЧЖ

Манзил: Наманган ш., Гирвон кучаси, 7а уй

Тел/факс: (99869) 228-71-30

Банк: «ЎзСҚБ» АТБ Наманган

Х/р: 2020 8000 1003 5572 1001,

МФО: 00224

СТИР: 302 983 438

«Харидор»

Фаргона вилоят болалар куп тармокли
тиббиёт маркази

Фаргона ш., А. Навоий к-си, 56 В

Шхр:

ИНН 200151456 Оконх 86100

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилиги

Газна х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО 09014 Газна ИНН: 201122919



Директор

И. Кучкарбоев



Беш вран

Юрист

С. Коринков